



тайёр бўлса, энг камида умрида бир маротаба у ерга бориши зарурдир. У ерга боргандан кейин Маҳбубига ишқини изҳор қилиб, девоналарча Байтни тавоф қилсин.

Бир кишига Аллоҳ таоло томонидан ватанидан Маккаи мукаррамага бориб келишига, у ердаги харажатларига ва ҳаж қилиб қайтгунича фарзандларини харажатларига етадиган маблағ берилса ва Маккаи мукаррамага бориш йўлларида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса, бундай кишига умрида бир маротаба ҳаж қилиш фарз бўлади.

### **ҲАЖ ФАРЗ БЎЛИШИ УЧУН МАБЛАҒИ НИСОБГА ЕТИШИ ШАРТ ЭМАС**

Ҳаж фарз бўлиши учун маблағи нисобга етиши ёки нисоб миқдоридаги молга эга бўлиши шарт эмас. Балки, ҳаж сафари харажатларига ва сафарга бориб келгунича фарзандларини харажатларига етадиган маблағга эга бўлган кишига ҳаж фарз бўлади. Харажатлар нисобдан ортиқча бўлсин ёки кам бўлсин ёки баробар бўлсин, ўша харажатларни қоплашга имконияти бор кишига ҳаж фарз бўлади.

**رادقم ناك ءاوس مغلبي ام لب باصنل رادقم جحلا بوجول طرثشي الو  
لقا وارثك وا باصنل**

**“Ҳажни фарз бўлиши учун нисоб миқдоридаги маблағга эга бўлиши шарт эмас. Балки, нисоб миқдorigа етсин ёки ундан кўп ёки кам бўлсин ҳаж харажатларига етса бўлди (Ғуня жадийд).**

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ ЯШАШ УЧУН УЙ ОЛАДИМИ?**

Бир кишини яшаш учун уйи бўлмаганлиги сабабли уй олишга маблағ тўплаётган бўлса ва у маблағ билан бемалол ҳаж харажатларини қоплаш мумкин бўлса, бундай ҳолатда у киши икки ишдан қайси бирини қилади? Чунки, тўплаган маблағини ҳажга сарфласа уйсиз қолади, уй олса ҳаж қила олмай қолади. Бундай ҳолатда бу кишига ҳаж фарз бўладими? Бундай кишининг ҳукми шуки, ҳаж мавсуми келиб, ёздириб қўйган навбати келиб қолса, ҳаж қилиши вожиб бўлади ва уй сотиб олишни бекор қилиши даркор. Агар ҳаж мавсуми келмаган бўлса ёки ҳажга қўйган навбати келмаган бўлса, бундай ҳолатда тўплаган маблағига ҳеч қандай кароҳиятсиз уй сотиб олиши мумкин бўлади ва то иккинчи маротаба ҳаж сарф-харажатларига етадиган маблағ тўпламагунича унга ҳаж фарз бўлмайди.

**نَمَثُ غُلْبَتَ وَجَحْلًا هِبْ غُلْبَتَ مُهَارِدْ هَدْنَعْ وَكَلْدَنْ مَعْشَى شَالَوْ نَكْسَمُ هَلْ نُنْكَيْ مَلْ نِإْوَ  
أَذِإْ هَدْنَعْ نَكَلْ - 1 مَثُ أَوْرِيْغِ يَفِ أَلْعَجْ نِإْوَ جَحْلًا هَيْلَعِ بَجْوَتِ وَقَوْمِ أَعْطَوْمِ دَاخِ وَ نَكْسَمُ**

عاش أمره ب رت ش ي ف ه ل ب ق أم ب ا ل ل ا ي ف ه ب ح ر ص ا م ك و د ل ب ل ه ا ج و و ح ت ق و ن ا ك  
ب و ح و ل ا ل ب ق ه ن ا ل

**“Агар бир кишини яшаш учун уй-жойи бўлмаса ва унда ҳажга ёки яшаш учун жойга, ходимга, таомга ва овқатга етадиган маблағи бўлса ва қишлоғидагилар ҳажга кетаётган вақт бўлса, у маблағни ҳаждан бошқасига сарф қилса гуноҳкор бўлади. “Лубоб” да шундай дейилган. Аммо, ҳажга шаҳар аҳолиси отланишидан олдин у маблағга бирор нарса сотиб олса, гуноҳкор бўлмайди. Чунки, бу иш ҳаж фарз бўлишидан олдин бўлди”** (Раддул мухтор).

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ ТҲЙ ҚИЛАДИМИ?**

Бир кишида уйланишга ёки ҳаж қилишга етадиган маблағ бўлса, яъни уйланса ҳаж қила олмайди, агар ҳаж қилса уйлана олмайдиган даражадаги маблағга эга бўлган киши қандай йўл тутиши лозим? Агар у кишини уйланиши зарур даражага етган бўлса-ю, лекин ўзини назорат қила олса ва ҳажга қўйган навбати келмаган бўлса, бундай ҳолатда ҳеч қандай кароҳиятсиз уйланиши жоиз бўлади. Агар ҳажга қўйган навбати келиб қолган бўлса, бундай ҳолатда маблағини ҳажга сарф қилиши вожибдир. Агар ўзини-ўзи назорат қила олмайдиган даражада бўйдоқ бўлса ва уйланмаса гуноҳ ишга қўл уриб қўйиши хафи бўлса, тўплаган маблағини уйланишга сарф қилишида ҳеч қандай кароҳият бўлмайди ва то иккинчи маротаба ҳажга етадиган маблағ тўпламагунича унга ҳаж фарз бўлмайди.

هُم زَلُّهُ تَقْوَى وَوَجُّوهُ زَلُّهُ لَوْلَا هَلْفِ هَدَلَبِ لِهَ اُجُوحُ لَبَقِ نَا ك ن ا ة ب و ز ع ل ا ف ا ح و ف ل ا ة ع م  
ح ا ل

**“Бир кишида минг дирҳам бўлса, бўйдоқликдан қўрқса, агар шаҳар аҳолиси (ҳаж) сафарига чиқишларидан илгари бўлса, уни уйланиши лозим бўлади. Агар у(шаҳар аҳолиси ҳаж сафарига чиқиб кетаётган) нинг вақти бўлса, ҳаж унга лозим бўлади”** (Раддул мухтор).

ض ر ف ل ا ك ر ت ن ي ر م ا ه ك ر ت ي ف ن ا ل ا ق ا ف ت ا ج ح ل ا ي ل ع م د ق م ن ا ق و ت ل ا ل ا ح ه ن ا ب  
ه ق ق ح ت ل ا ح ر ي غ ي ف ا ن ا ق و ت ل ا ل ا ح ر ي غ ي ف ه ف ي ن ح ي ب ا ب ا و ح و ا ن ز ل ا ي ف ع و ق و ل ا و  
م د ق ي ف ض ر ف ا ل ب ج ا و ح و ز ت ل ا ف ه ف ا ح و ل ا م ا ج و ز ت ل ا ض ر ف ه ق ق ح ت و ل ه ن ا ل ا ن ز ل ا  
م ه ف ا ف ه ي ل ع ض ر ف ل ا ح ل ا

**“Зино қилиб қўйиш аниқ бўлган ҳолатда бил иттифоқ тўй қилиш ҳажга муқаддам қилинади. Чунки, уни тарк қилишда икки иш юзага келади. Биринчиси, фарзни тарк қилиш, иккинчиси зино қилиб**

**қўйиш. Абу Ҳанифанинг зино қилиб қўйиш аниқ бўлмаган ҳолатдаги киши ҳақидаги жавоби шуки фарз ҳаж уйланишга тақдим қилинади. Чунки, зино қилиб қўйиш аниқ бўлган ҳолатда уйланиш фарз бўлади. Агар зино қилиб қўйишдан хавф қилса, уйланиш вожиб бўлади. Бас масала тушунарли бўлди”** (Раддул мухтор).

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ ОТА-ОНАСИНИ ЁКИ АЁЛИНИ ДАВОЛАТАДИМИ?**

Бир кишини олдида ҳажга етадиган маблағи бўлса-ю, айти шу вақтда ота-онаси қаттиқ касал бўлиб, даволанишда фарзандининг ёрдамига муҳтож бўлсалар. Бундай ҳолатда тўпланган маблағ ота-онани даволаш учунгина етса, у киши ҳаж қиладими ёки ота-онасини даволайдими?

Бундай ҳолатда тўплаган маблағини ота-онасини даволаш учун ишлатади. Агар кейинчалик ҳажга етадиган маблағ тўплай олмаса, ҳажга бормагани учун гуноҳкор бўлмайди ва ҳаж қилишга қодир бўла туриб қилмаган кишиларга доир ваъийдга дучор бўлмайди. Агар бир киши ҳаж харажатларига қодир-у, лекин ҳаж мавсуми келишидан олдин вафот этиб қолди. Бундай ҳолатда ҳам у киши ҳаж қилмагани учун гуноҳкор бўлмайди. Ҳа, ҳаж харажатларига етарли маблағи бўлиб, ҳаж мавсуми келмагани учун ҳаж қилмаган киши мени номимдан ҳаж қилинглари, деб васият қилиши вожиб бўлади. Шунингдек, ёш болага қараётгани ёки уни даволаётгани учун ҳажга бормаса ҳам гуноҳкор бўлмайди.

Агар бир кишининг аёли касал бўлса ва унинг барча харажатларини қопласа-ю, лекин ҳажга боришга маблағи бўлса ва ҳажга навбати келиб қолса, аёлимга ўзим қарайман деб ҳаждан қолиши шаръан жоиз эмас. Балки, бундай ҳолатдаги кишига ҳаж қилиш вожиб бўлади. Чунки, аёлнинг яқинлари эр дори-дармонини олиб бергандан кейин унга қараб туришлари мумкин.

دل اول ضرر و جحلا نعل فلخ تال ي ارذع نوكي ال هت جوز ت ضرر و جحلا هيلع ن م  
فلخ تال ي رذع هيلع اجات حمل ريغصل دل و ل او هيلع اجات اذا رذع نوكي ة دل اول او  
نكي مل و اناك اضيرم

**“Бир кишини зиммасига ҳаж фарз бўлиб, шу билан бир қаторда аёли касал бўлиб қолса, бу ҳаждан қолишга узр бўлмайди. Ота-онанинг касал бўлиб, фарзандларига муҳтож бўлишлари (ҳаждан қолишга) узр ҳисобланади. Унинг ёрдамига касаллиги ёки бошқа сабабли муҳтож бўлган кичик бола ҳаждан қолишга сабаб бўлади”** (Фуния).

ةره اظلا ةج ا ل ل ج آل وا هل ل ل ت ي ب ل ل باه ذ ل او ر ف س ل ل ن ع ن م ي ا م ه ب دارم ل ل  
ن ي ض ي ر م ل ل ة د ل ا و ل ل وا د ل ا و ل ل د ه ع ت وا ه ي ل ل ج ا ت ح م ل ل ا ر ي غ ص ل ل د ل و ل ل ة ن ا ض ح ك  
ةره اظلا ة ق ش م ل ل ل ج آل وا ه ت م د خ ل ل ن ي ج ا ت ح م ل ل

**“Ундан мурод, Байтга сафар қилиш ва боришдан тўсадиган нарса ёки унга муҳтож кичик болага энагалик қилиш ёки унинг хизматига муҳтож касал ота-онага қараш каби зоҳирий ҳожат ёки зоҳирий машаққат (каби нарсалар ҳажни қолдиришга сабаб бўла олади)”** (Эълоус сунан).

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ ҚАРЗИНИ АДО ҚИЛАДИМИ?**

Бир кишини олдида ҳаж харажатларига етадиган маблағ бўлса-ю, лекин ўшанча қарзи ҳам бўлса, агар қарзини берса ҳаж қилишга маблағи қолмаса, бундай ҳолатда у киши нима қилади?

Бундай ҳолатда қарзини адо қилиши лозим бўлади. Қарзини бергандан кейин олдида ҳаж харажатларига етарли маблағ қолмагани учун унинг зиммасига ҳаж фарз бўлмайди. У кейинчалик ҳажга етарли маблағ тўплай олмаса, биринчи тўплаган маблағига ҳажга бормагани учун гуноҳкор бўлмайди. Чунки, ҳаж қарзи бор одам қарзни адо қилгандан кейин ҳаж харажаларига етадиган маблағи олдида қолса, у кишига ҳаж қилиш лозим бўлади.

وَزَعَلَا لَيْلًا حُرًّا لِرَبِّكَ يَوْمَ تَحْجِي الْوَالِدِ الْيَتِيمَ إِلَىٰ ذِي الْوَالِدِ وَأَنْ يَأْتِيَكُم مِّنْ ذِي الْقُرْبَىٰ وَبَيْنَ يَدَيْكُمْ وَأَنْ تَبْزُقُوا إِلَاءَ آلِ الْيَتِيمِ وَالْيَتِيمَ إِلَىٰ ذِي الْقُرْبَىٰ وَإِنْ يَسْأَلْكُمْ عَنِ الْهَدْيِ فَمَا لِكُم مِّنْهُ مِنْ شَيْءٍ سَأَلْتُمْ عَنِ الْبُرْجَانِ وَالْبُرْجَانِ إِلَىٰ ذِي الْقُرْبَىٰ وَإِنْ يَسْأَلْكُمْ عَنِ الْهَدْيِ فَمَا لِكُم مِّنْهُ مِنْ شَيْءٍ سَأَلْتُمْ عَنِ الْبُرْجَانِ وَالْبُرْجَانِ إِلَىٰ ذِي الْقُرْبَىٰ

**“Агар қарзи бўлса, тўплаган маблағини қарзига бериб, ҳаж қилмайди. Қарзи бор киши ғазотга ва ҳажга чиқиши макруҳдир”** (Фатаво қозихон).

### **ҲАЖ УЧУН ТЎПЛАГАН МАБЛАҒДАН ЗАКОТ БЕРИШ**

Бир киши ҳажга бораман деган ниятда алоҳида маблағ тўплаётган бўлса, лекин ҳажга тўплаган маблағидан алоҳида закотга етадиган пули бўлса, закотга етадиган маблағидан закот чиқараётган вақтда ҳаж учун тўплаётган маблағидан ҳам закот чиқаради. Агар у биринчи бор нисобга молик бўлиб, нисобга молик бўлганига бир йил тўлса, унинг зиммасига закот бериши лозим бўлади. Агар йил тўлишига оз қолганда закотга етган маблағидан ҳаж сафарига бориш учун ҳаж комитасига пул тўласа ва закотга маблағи етмай қолса, закот бериши унинг зиммасига лозим бўлмайди. Лекин, ундан ортган маблағи нисобга етса, ундан закот чиқаради.

بِأَصْنَانٍ مِّنْهُنَّ مَعَمَّ يَتَقَبَّ دَقْوًا، وَلَوْ جَلَّالَ أَحْفَافُ حَتَّىٰ أَمَّا لِكُنْهُنَّ مَقْفُفٌ نُّيْلٌ هَكَسْمًا إِذَا مَمَّ دَعَلَّ لَبَقْتُ سُمُّ لَأَيُّ أَضْيَاءُ هُنَّ مَقْفُفٌ نُّيْلٌ هَكَسْمًا لَأَيُّ قَابِلٌ لَذِي كَزِيٍّ هُنَّ إِفَّ لَوْ جَلَّالَ نَالَوْحَتْ قَوْوَةً لِّصَالٍ هَجَّئِ أَوْحَىٰ لِي هَفَرَصَ قِافُ حَتَّىٰ سَأَ

**“Эҳтиёжи тушадиган нарсага сарфлаш учун маблағ тўпласа, бир йил ўтгандан кейин ўша маблағи нисоб ҳолида турса, ундан закот беради. Агарчи келажакда аслий эҳтиёжларига сарфлашликни қасд қилган бўлсада. Бир йил тўлганда ҳожати аслийсига сарфлашга ҳожат бўлмаганлиги учун”** (Раддул мухтор).

## **ЗАКОТ АДО ҚИЛИШ УЧУН ШАРЪИЙ ҚОНУН**

Закот вожиб бўлиши учун нисобга эга бўлиб, унга бир йил тўлиши билан бир қаторда том маънода у бойликка молик бўлиши шартдир. Нисобга том маънода эга бўлиши учун икки шарт бирданига бир кишида топилиши лозимдир:

1. Молни қабз қилиши, яъни мукаммал қабз қилиши;
  2. Молни қабз қилиши билан бир қаторда унга молик ҳам бўлиши.
- Шунинг учун мулкياتи бўлиб, мулкни қабз қилмаган бўлса ёки қабзасида бўлмаса, у пулдан унга закот вожиб бўлмайди. Шунингдек, қабзаси бўлсаю, мулкياتи бўлмаса унга закот вожиб бўлмайди.
- Закот беришдан олдин ҳаж комитасига ҳажга бориш учун маълум бир маблағ ўткизиб қўйган бўлса, ўша ўтказган маблағидан унинг зиммасига закот вожиб бўлмайди. Агар ҳаж комитасига бергандан кейин олдида қолган маблағи закотга етса, ундан закот чиқариши лозим бўлади.

دَيُّ لَانُ دُكُلْمَلَا دِجُو إِذَا أَمَّ أَوْ دَيُّ لَانُ كُفْلْمَلَا هِيَ غَمَمَتْ جَامٌ وَهَوُّ مَاتَلَا كُفْلْمَلَا أَهُنَّ مَوُّ  
بِحَتِّ الدُّنُو دَمَلَا أَوْ بَتَّ كُفْلْمَلَا كُفْلْمَلَا نُو دُ دَيُّ لَانُ دِجُو وَأَضْبَقُ لَالْبَقْرِ أَصْلَاك  
نُ وُكَيِّ لَالْبَقْرِ ضَبَقُ لَالْبَقْرِ عِيَبَمَلَا أَمَّ أَوْ جَاهُ لَوَّلَا جَارَّ سَلَا يَفَادُكُ أَكْزَلَا هِيَ  
يَسُحَّرَّ سَلَا طِيحُمُ يَفَادُكُ أَبْصَانُ نُ وُكَيِّ هُنَّ أَحْيَحَّ صَلَا أَوْ أَبْصَانُ

**“Милкут том - милк ва қўл унда жам бўлган нарсадир. Милк топилиб қўл топилмаса, масалан, қабздан олдинги садақа ёки қўл топилиб милк топилмаса, масалан, мукотабнинг милки каби. Қарздорга закот вожиб бўлмайди. “Сиржи ваҳҳож” да ҳам шундай ёзилган. Қабздан олдинги тавар бир қилга кўра нисоб эмас. Саҳиҳи, нисоб бўлади. “Муҳитус Сарахсий” да шундай дейилган”** (Фатвои ҳиндия).

**ҲАЖЖИ БАДАЛ ҚИЛДИРУВЧИ ҲАЖЖИ БАДАЛ ҚИЛУВЧИГА МАБЛАҒ БЕРСА, ЎША МАБЛАҒДАН ЗАКОТ БЕРИЛАДИМИ?**





نَمِ اَوْلٰكُ لُسُرِّلَا اَهْيَا اَي لَاقَفَ نَي لَسُرْمُلَا هَب رَمَا اَمَب نَي نَمُؤْمَلَا  
نَي دَلَا اَهْيَا اَي لَاقُو مَي لَع نُو لَمَعَت اَمَب يِنَا اَح لَاص اَوْلَمَعَاوَت اَبِي طَلَا  
تَع شَا رَفَس لَلَا لِي طَي لَج رَلَا رَكَدْ مُمْتُمْ كَان قَزَرَا مَت اَبِي طَلُو نَم اَوْلَاك اُوْنَمَا  
مَارْحُو هَب رَشَمُو مَارْحُو مَع طَمُو بَرَا اَي بَرَا اَي اَمَس لَلَا اَي لِي هَي دَي دُمَي مُمْت رَبْعَا  
كَل دَل بَا حَتُّ سَي يِنَا فَم اَرَح لَاب اَبِي دُعُو مَارْحُو هَس بَلَمُو

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**  
**“Эй, инсонлар Аллоҳ таоло пок ва фақат покни қабул қилади. Аллоҳ таоло расулларга буюрган нарсани мўминларга ҳам буюриб: “Эй Пайғамбарлар! Пок нарсалардан энглар ва солиҳ амаллар қилинглр. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиман” (Мўминун 51 оят), (деди) ва яна: “Эй иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан энглар” (Бақара 172 оят) (деди). Сўнг узоқ сафар қилиб, сочлари тўзиб, ғубор босиб осмонга икки қўлини кўтариб: “Эй, Роббим, эй Роббим” (деган) кишини зикр қилдилар. Ваҳолангки унинг таоми ҳам, шароби ҳам, кийими ҳам ҳаромдир ҳамда ҳаром билан овқатлантиради. Булар билан (унинг қилган дуоси) қандай қилиб ижобат бўлсин” дедилар” (Термизий, Муслим ривояти).**

هَي لَع هَل لَلَا اَي لَص هَل لَلَا لُؤ س رَلَا قَلَا ق هُنَع هَل لَلَا اَي ص رَ رَ رَ هَي بَا نَع  
اَي دَان ف ر ر ع ل ا ي ف ه ل ج ر ع ص و و ب ب ي ط ا ق ف ن ب ا ح ل ج ر ل ا ح ر خ ا ذ ا م ل س و  
ك د ا ز ك ي د ع س و ك ي ب ل ا م س ل ا ن م د ا ن م ه ا د ا ن ك ي ب ل م ه ل ل ا ك ي ب ل  
ة ت ي ب خ ل ل ا ق ف ن ل ل ا ب ح ر خ ا ذ ا و ر و ز ا م ر ي ع ر و ر ب م ك ج ح و ل ل ا ح ك ت ل ح ا ر و ل ل ا ح  
ا ل و ك ي ب ل ا ل ا م س ل ل ا ن م د ا ن م ه ا د ا ن ك ي ب ل ا ي د ا ن ف ر ر ع ل ا ي ف ه ل ج ر ع ص و ف  
ر و ر ب م ر ي ع ك ج ح و م ا ر ح ك ت ق ف ن و م ا ر ح ك د ا ز ك ي د ع س

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**  
**“Киши ҳалол мол билан ҳаж сафарига чиқса ва оёғини (уловининг) узангисига қўйиб:**  
**“Лаббайкаллоҳумма лаббайк” деб талбия айтиб нидо қилса,**  
**осмондан бир нидо қилувчи нидо қилиб:**  
**“Лаббайка ва саъдайка. Сенинг луқманг ҳалол, сенинг уловинг ҳалол ва гуноҳу маъсиятдан ҳоли бўлган ҳажинг мабрурдир. Агар ҳаром мол билан ҳаж сафарига чиқса ва оёғини (уловининг) узангисига қўйиб:**  
**“Лаббайка” деб талбия айтиб нидо қилса, осмондан бир нидо қилувчи нидо қилиб:**



«الْيَبَسُ هَيْلًا عَاطَتْ سَائِمًا تَيْبًا لِحَاسَانِ لِي».

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Кимки Байтуллоҳгача етказадиган зоди роҳилага эга бўла туриб, ҳаж қилмаса, яҳудий ёки насроний ҳолида вафот этишининг фарқи йўқдир. Бу Аллоҳнинг Ўз китобида “Одамлардан йўлига қодир бўлганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ фарздир” дегани учундир”, дедилар”** (Термизий ривояти).

Ҳажга бориш учун зарурий бўлган барча шарт-шароитлар бўла туриб, ҳажга боришни кечиктирса, қаттиқ гуноҳкор бўлиб, қиёматда Аллоҳнинг азобига мубтало бўлади.

### **ФАРЗАНДНИ ТҶЙИ ЁКИ УЙ ҚУРАЁТГАНИ САБАБЛИ ҲАЖНИ КЕЧИКТИРИШ**

Ҳаж ибодатини қилиш фарз бўлган одамларнинг аксарияти ўғлимни уйлаб, қизимни чиқариб олгандан кейин ҳаж қиламан деб ҳаж ибодатини ортга сурадилар. Баъзилар эса, уйимни яхшилаб таъмирлаб олгандан кейин ҳажга бораман дейдилар. Аслида эса, бу икки кишига қанча яшаши ва куч-қувватдан қоладими ёки қолмайдими маълум эмас. Демак, ҳаж ибодатини қилиш учун маблағ бўлиши билан бир қаторда куч-қувват бўлиши ҳам зарурийдир. Чунки, қариликда инсон заифлашиб ҳаж ибодатларини саҳиҳ тарзда бажаришга қийналиб қолади. Шунинг учун фарзандларни тўйи сабабли фарз ҳажни ортга суриш гуноҳдир. Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Молик ва Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳлар ҳаж қилишга имкони бўла туриб ҳаж қилмаган кишилар фосиқ ва берган гувоҳлари қабул қилинмайди деганлар.

مَامُ الْإِنْعَانِ تَيْبًا وَأَوْرُلًا حَصَاوِي نَاتِلًا دُنْعًا لَوَالِمَاعِلَا يَفْرُوفُ الْإِلْعَاءَ رَمَضُفُ  
رِيغَصُ رِيغَاتٍ نَالِ أَنْ يَنْسِي أَوْرِيغَاتٍ هُتَدَاهُ شَدْرَتُو قَسْفِيَفَ دَمَحْ أَوْلَا مَو  
حَبْرَارُصِلَابِ الْإِقْسَفِي الْعَرْمُوبَالِكْتِرَابِو

**“Абу Юсуф, Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган икки ривоятнинг саҳиҳроғида, Имом Молик ҳамда Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳлар наздида ҳаж фарз бўлган йилдаёқ тезликка кўра ҳаж қилиш фарздир. Йиллаб кечиктиришлик билан фосиқ деб ҳукм қилинади ва шаҳодати қабул қилинмайди. Ҳажга қодир бўлгандан кейин уни кечиштириш сағира гуноҳдир. Уни бир маротаба кечиктириш билан фосиқ деб ҳукм қилинмайди. Лекин, қайта-қайта кечиктириш билан ҳукм қилинади. “Баҳр” да шундай**

дейилган” (Раддул мухтор).

رَحْمٌ زِيَّغَرُذُعِ الْبَلِّ وَالْمَاعِلِ نَعْرِخَاتِ لَابُهُ دَاةَشْ دُرْتَو

**“Узрсиз биринчи йилдан ҳажни кечиктириш билан шаҳодати рад қилинади” деган ибора тахрирга мухтождир**” (Раддул мухтор).

### **АЁЛИ БИЛАН ҲАЖГА БОРИШ УЧУН ЎЗИНИ ҲАЖИНИ ОРТГА СУРИШ**

Кўплаб инсонлар аёли билан ҳажга бориш учун ўзини ҳажини ортга суради. Аслида, айнаи вақтда эркак киши ҳаж сафар харажатларига қодир бўлгани учун унинг зиммасига ҳаж фарз бўлди. Аёлнинг зиммасига эса, сафар харажатларига қодир бўлмагани учун ҳали ҳаж фарз бўлмади. Лекин, аёлимга ҳам ҳаж фарз бўлса, ўшанда биргаликда ҳаж ибодатини қилишга борамиз деб, фарз ҳаж ибодатини бир неча йил ортга суриш нотўғри ва хато тушунчадир. Чунки, айнаи вақтда ҳаж ибодатини қилиш аёлга эмас эркак зиммасига фарз бўлди. Энди, бирор узрсиз фарз ҳажни ортга суриш қаттиқ гуноҳдир. Чунки, аёлини ҳам ўзи билан ҳажга қўшиб олиб бориш на фарз ва на вожиб ҳисобланади. Шу боис зиммасидаги ҳаж ибодатини тезда адо қилиб, аёли сабабли ўзини-ўзи гуноҳкор қилмаслик лозим.

بوجولا طئارش رئاس لمكئسا دقوجحلال رهشا وا هدلب له جورخ تقو هءاج نم  
مع جورخال او بهألال همزلېف هسفن ب هئادا ب جوو هماع نم جحلال هيلع ب ج وءادال او  
خال.

**“Кимагаки, ўзи яшаб турган шаҳар аҳлининг ҳажга чиқиш вақти бўлса ёки ҳаж ойлари кириб келса, зиммасига вожиб бўлиш ва адо қилиш шартлари ҳам тўлиқ топилса, ўша унинг зиммасига ҳаж қилиш ва уни адо қилиш вожиб бўлади. Шунинг учун у ҳам тайёргарлигини кўриб, ҳамшаҳарлари билан чиқишлиги лозим бўлади”** (Фуния жадийд).

بجاولا كرتل مئأي رذع الب ينائل ماعلال ىلا هخا اذاف ضرفال وه اقلطم جحلالو

**“Ҳаж қилиш мутлоқ фарз бўлиб, узрсиз уни кейинги йилга қолдирса, вожибни тарк қилгани учун гуноҳкор бўлади”** (Фуния жадийд).

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ АЁЛИНИ МАҲРИНИ АДО ҚИЛАДИМИ?**

Бир кишида ҳаж сафар-харажатларига етадиган маблағ бўлса-ю, ҳали аёлини маҳрини адо қилмаган бўлса ва аёлини маҳрини берса ҳажга боришга маблағи етмай қолса, бундай ҳолатда маблағни ҳаж сафарига

бориб келишга сарф қиладимми ёки аёлини маҳрини берадимми?

Бундай ҳолатда ҳаққул абд, яъни аёлининг маҳри биринчи адо қилинади. Ҳаж эса, ҳаққуллоҳ, яъни Аллоҳ таолонинг ҳаққи ҳисобланади. Банданинг ҳаққи Аллоҳ таоло ҳаққидан илгари адо қилинади, яъни биринчи бандадаги қарз адо қилинади ва ортиб қолган маблағ ҳаж сафарига етса, кейин ҳажга бориб келинади. Шу боис ҳам ҳаж қилишдан илгари аёлини маҳрини адо қилиш зарурдир.

دابعلال نويد دارمل او ةلجؤمو ةلاح ه نويد ءاضق نعو اضيا اهيلع ةردقلا كرتشيف  
ةياورلا رهاظ يف جحلل ىنغلل ح وه اذه ةلجؤمولو هئاسن ةقدص هلوقو

**“Ҳажни фарз бўлиши учун ҳаж қилишга қудрати етадиган, нақд ва насия қарзларидан халос бўлган, яъни бандаларни қарзларидан, насия ҳолатда бўлса ҳам аёлларининг маҳрларидан (қутилиши лозим). Шу ҳолат “Зоҳирур ривоят” да ҳаж қилишга етарли миқдорга эга деган чегарадир”** (Фуња жадийд).

### **ҲАЖ ҚИЛАДИМИ ЁКИ ҚИЗИНИ ТУРМУШГА ЧИҚАРАДИМИ?**

Бир кишида ҳаж сафар-харажатларига етадиган маблағи бўлиб, айна вақтда қизини ҳам бўйи етиб қолган бўлса, бундай ҳолатда аввал қизини турмушга берса, ҳажга боришга маблағи етмай қолса, лекин ҳали қизини турмушга чиқаришидан олдин ҳажга ўчирити келиб қолса, тўплаган маблағини бўйи етиб қолган қизини турмушга беришга сарф қиладимми ёки фарз қилинган ҳаж ибодатини бажаришга харж қиладимми?

Фарз қилинган ҳаж ибодатини адо қилиш бўйи етиб қолган қизини турмушга бериш ва шу каби бошқа ишлардан муҳим ҳисобланади. Бўйи етиб қолган қизини турмушга бераман деб фарз ҳаж ибодатини ортга суриш ёки тўхтатиб қўйиш жоиз эмас. Одамлар орасида бир кишини бўйи етиб қолган қизи уйида ўтирган бўлса, унга ҳаж қилиш фарз эмас деган нотўғри гап-сўз тарқалиб кетган. Бу нотўғри тушунчадир. Яна шуни ҳам билиб олиш керакки, ҳажга боришдан аввал фарзандларини сарполарини олиб қўйиб кейин ҳаж ибодатига бориш керак, деган гап-сўз ҳам нотўғридир.

Фарз ҳаж ибодатига қўйилган ўчирит келганда ҳаж сафар-харажатларига маблағи етадиган кишилар тездан фарз ҳаж ибодатини бажаришлари лозим бўлади. Бундай ҳолатда узрсиз фарз ҳаж ибодатини ортга суриш билан инсон гуноҳкор бўлиб қолади. Чунки, ўзини никоҳланиши билан ҳаж ибодатини қилиш баробар келиб қолса, ҳаж ибодатини бажариш муқаддам туради. Қизининг никоҳида эса авло йўлга кўра муқаддам бўлиши лозим.

أَبُو دَاوُدَ شَرِّ النَّاسِ أَوْ... جَزَّ وَزَلَّ إِلَى عَجَّ حَلَّ مِ دِقَاتِ يَفَ عَفِي نَحَّ يَبْ أُنْعُ عُلُوقُ نَمُّ عُلَّ أَسْمَلُ  
أَبْجَ أَوْ نَاكَ نَاوُ جَزَّ وَزَلَّ إِلَى عَجَّ حَلَّ مِ دِقَاتِ هَاضَتُ قُمْ وَهُدْنَعُ زَوْفَلُ إِلَى عَجَّ حَلَّ نَا إِلَى عَجَّ  
بِنَاقُوتِ لَدُنَّ ع

**“Уйланишга ҳажни муқаддам қилиш борасидаги масала Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган... Ушбу масала ҳажни Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида алал фавр (тезилик)га кўра эканлигига гувоҳ бўлади. Унинг тақозоси ҳаж уйланишга муқаддам қилинади. Гарчи уйланиши вожиб бўлиб, шаҳвати ғолиб келиб турган бўлса ҳам”** (Раддул мухтор)

### **ҲАЖ ҚИЛИШ УЧУН МОЛ-МУЛК ВА КЎЧМАС МУЛКЛАРИНИ СОТИШ**

Бир кишини кўплаб кўчмас мулклари бўлиб, фарз ҳаж сафарига боришга етадиган миқдорда нақд пули бўлмаса ва кўчмас мулкларидан бир қисмини сотиб, кўчмас мулкнинг қолганига хонадонини йиллик таъминотини таъминлаб қўйиш мумкин бўлса, кўчмас мулкдан ҳажга етадиган миқдордаги бир қисмини сотиб, фарз ҳажини адо қилиши фарз бўлади. Чунки, шаръан ҳаж унга фарз бўлди.

هوعوجر دعب ىق بى ةلح ارل او دازل ا يفك ي ام رادقم عاب ول ام عايض ل ا نم هل ناك ناو  
خ ل ا ال او ح ل ل ه ل ع ضر ت ف ا ي ق ا ب ل ل ه ت ل غ ب ش ي ع ي ام ر د ق ه ت ع ي ض ن م

**“Бир кишини катта миқдорда ерлари бўлиб, ҳаж харажатларига етарли миқдорчасини сотса ва қайтиб келганидан кейин ўша ерларидан чиқадиган ғалласи ҳаёт кечиршига кифоя қиладиган миқдорча бўлса, зиммасига ҳаж фарз бўлади. Бундай бўлмаса, ҳаж ҳам фарз бўлмайди”** (Ғуня жадийд).

### **УЙИНИ СОТИБ ҲАЖ ҚИЛИШ**

Бир кишида фарз ҳаж сафари харажатларига етадиган маблағи бўлмаса, лекин яшаб турган ҳовлиси катта бўлса ва унинг бир қисмини сотса, ҳаж сариф харажатларига етса, уйини зиёда қисмини сотиб ҳаж қилиши лозим эмас. Чунки, унга ҳаж ҳали фарз бўлмади.

Агар уйдан ташқари алоҳида участкаси бўлса ва уни кирага ҳам ёки бирор фойда олиш мақсадида ҳам ишлатмаса, бундай ҳолатда ҳожатидан ташқари жойни сотиб ҳажга бориши фарз бўлади. Лекин, сотилган кўчмас мулкнинг маблағи ҳаж сафар харажатларига етиш шарт билан. Агар етмаса, ҳожатидан ташқари кўчмас мулкни сотиши жоиз эмас. Чунки, ҳали унга ҳаж фарз бўлмаган бўлади. Шунингдек, ҳожатидан ташқари дўкони бўлса ва уни сотса ҳаж сафар харажатларини қоплаш имкони

бўлса, бас бундай ҳолатда ўша дўконини сотиб ҳажга бориши лозим бўлади.

هَمْزَلِي ال لَضَافِلَاب جَحَلَاو هَضَعَبَبْ ءَانْغَسَالَا هَنْكَمْيْ اَرِيْبَكْ هَلْزَنْمِ نَاكْ وِلْو  
لَضَافِلَا عِيْب

**“Бир кишининг кенг ва катта ҳовлиси бўлиб, баъзисидан фойдаланиб, баъзисидан фойдаланмаса ва фойдаланмаётган ерининг бир қисми ҳажга етарли бўлса, ҳаж қилиш учун уни сотиши лозим бўлмайди”** (Фуния жадийд).

جَاتْحِي ال اِمَمِ كَلْذَوْحِنِ وَاتِيْنَاَوْحِ وَهَلْوَقِيْلَا هَنْكَسِيْيْ ال لَضَافِلَا نَكْسَمِ هَلْ نَاكْ نَاو  
خَلَا جَحَلَابْ ءَاْفَوْ هَبْ نَاكْ نَااْءَعِيْبِ بَجِيْ اِهِيْلَا

**“Бир кишини ортиқча уй жойи (участкаси) ёки ортиқча дўкони ёки шу каби унга эҳтиёжи тушмайдиган нарсалари бўлса ва улар ҳаж харажатларини қоплайдиган миқдорда бўлса, сотиб ҳаж қилиши вожиб бўлади”** (Фуния жадийд).

### **ҲАР БЕШ ЙИЛДА ҲАЖГА БОРИШ**

Аллоҳ таоло томонидан кимларга кўплаб бойлик берилган бўлса, ҳар беш йилда ҳажга боришлари мустаҳаб амал ҳисобланади. Лекин, фарз ёки вожиб эмас.

Бу ҳақда ҳадиси қудсийда шундай дейилган:

هُلَلَا ئِلَّصْ هَلَلَا لُؤْسَرَّ نَأَا لَقْ هَنْعْ هَلَلَا يَصَرَّ يَرْدَخَلَا دِيْعَسْ يَبَأْ نَعْ  
هُمَّسْجْ هَلْ تُخْخْصَأْ أَدْبَعْ نَأَا لَوْقِيْلَجَوْعْ هَلَلَا نَعْ لَقْ مَّسْوَ هَلَّيْ  
يَلَّيْ دِفَيْ اَلْمَاوَعْ ءَسْمَخْ هَلَّيْ عِيْضَمْتْ ءَشِيْعَمَلَا يَفْ هَلَّيْ عْ تَعْسْ وَأَوْ  
مُؤَرْحَمَلْ

*Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Аллоҳ азза важалла:**

**“Қайси бандани жисмини соғлом, ризқини кенг қилсам, сўнг у ҳар беш йилда мени ҳузримга ҳозир бўлмаса, (у раҳматимдан) маҳрумдир”, деди”, дедилар”** (Ибн Ҳиббон ривояти).

Шу боис Аллоҳ таоло кимга имконият берган бўлса, ҳар беш йилда ҳажга бориши фарз ёки вожиб бўлмасада, лекин мустаҳаб ва хайри баракага сабабдир.

### **ҲАЖИ МАБРУР ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?**

Ҳажи мабрур деб мақбул ҳажга айтилади. Унинг аломати ҳар бир қилган гуноҳига тавба қилиб, истиғфор айтиши ва бирор кишини ҳаққи зиммасида қолмаслигидир. Шу билан бир қаторда пешона тери билан ҳалолдан топган моли билан ҳажга бориши ва гуноҳга сабаб бўладиган бирор номақбул иш қилмаслиги ҳамда эҳром кийган ҳолда ман қилинган ишлардан тийилишлигидир. Ҳаждан қайтгандан кейин диний ҳолати аввалгидан яхши томонга ўзгарган кишининг ҳажи Худо хоҳласа мақбул ва мабрур ҳаж деб тушинилади (Фатавои раҳимия).

Мақбул ва мабурур ҳаж аҳли мўминнинг энг афзал амали ҳисобланади. Қуйидаги ҳадисда уч турли амални Аллоҳ таоло ҳузрида энг афзал амал ҳисобланган:

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِلَ إِلَى صِرْهَيْهِ لَعَلَّ الْوَسْرَ نَأْتِيهِ عَن لَعَلَّ يَضْرَبَ رُؤْيَبَهُ نَعْلًا  
لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ لَعَلَّ الْوَسْرَ يَأْتِيهِ لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ  
لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ  
لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ لَقَدْ أَقْبَلْتُ لَيْقِيءَ الْوَسْرَ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**“Қайси амал афзал?”** деб сўралди.

**“Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш”,** дедилар.

**“Кейин нима?”** дейилди.

**“Аллоҳнинг йўлида уриш қилиш”,** дедилар.

**“Ундан кейин нима?”** дейилди.

**“Мабрур ҳаж”,** дедилар” (Бухорий ривояти).

### **ҲАЖИ АКБАР ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?**

Халқ орасида жумъа кунига тўғри келган ҳаж ҳажи акбар дейилиши машҳур бўлиб кетган. Лекин, бу гап ҳадис ва фикҳий китобларнинг бирортасида ҳамда мужтаҳидларнинг сўзларида учрамайди. Ҳа, албатта ҳадис ва фикҳий китобларда ҳажни ҳажи акбар, умрани эса ҳажи асғар деб айтилган.

رَغْمُ الْجَاهِلِيَّةِ وَالْحَبَشِيِّ وَالْمُؤْمِنِ رَبِّكَ الْخَلِيفَةُ : لَقَدْ سَأَبَعَنِي نَبِيٌّ

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Ҳажи акбар наҳр куни, ҳажи асғар эса умрадир”** (Сунани Насоий).

رَغْمُ الْجَاهِلِيَّةِ وَالْحَبَشِيِّ وَالْمُؤْمِنِ رَبِّكَ الْخَلِيفَةُ : لَقَدْ سَأَبَعَنِي نَبِيٌّ



зимнида савдо-сотик ишларини ҳам битириб олиш. Бундай ҳолатда ҳажнинг савоби тўлиқ ҳолатда ҳосил бўлади. Бундай вазиятда ҳаж сафарига қайси мақсадда чиқишни белгилаш ҳожини ўзига боғлиқдир.

**مُكِّبَرٌ نَمِ الْضَفِّ اَوْغْتَبَتْنَا حُنُجٌ مُكِّيَّ لَعَسَىٰ**

**“Сизга ўз Роббингиздан фазл иташингизда гуноҳ йўқдир”** (Бақара 198 оят).

### **ҲАРАМИ ШАРИФДАН ОЛДИН ҚАЁҚҚА БОРИШ АФЗАЛ ҲИСОБЛАНАДИ?**

Илк бор ҳаж қилувчи ҳожилар дастлаб Маккаи мукаррамага боришлари афзалдир. Бир мартадан кўп ҳажга борган ҳожилар эса, яъни нафл ҳаж қилувчилар дастлаб Мадинаи мунавварага бориб, сўнг Маккаи мукаррамага боришлари афзалдир.

### **ҲАЖ САФАРИДА ҲОЖИНИ ВАФОТ ЭТИБ ҚОЛИШИ**

Ҳаж қилиш мақсадида чиққан киши ҳаж сафарга чиққандан кейин йўлда ёки Маккаи мукаррамада вафот этиб қолса, Худо хоҳласа шаҳидларга бериладиган савобга эга бўлади ва қиёмат куни ҳожилар ичида тирилтирилади.

Бундай ҳолатда тўлиқ кафан билан кафанланилади ва бошини ҳам кафан билан ёпилади. Чунки, ҳожи вафот этиши билан ўз-ўзидан эҳромдан чиққан ҳисобланади. Агар вафот этган ҳожининг эҳроми бошдан оё тўсадиган даражада катта бўлса, қўшимча бир мато олиб, учта матога кафанланилади. Шундай қилиш Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳлар наздида суннат ҳисобланади. Эҳромни ўзигагина кафанлаш зарур эмас.

رمخو ةفحجلاب امرحم تام دقو ه ل ل دبع نب دقاو ه ن با ن فك رمع ن با ن أ ع فان ن ع  
هسأر

*“Нофедан ривоят қилинади:*

**“Ибн Умар розияллоҳу анҳу Жухфада эҳромдалигида вафот топган ўғиллари Воқид ибн Абдуллоҳни ўзи кафанлаб, бошини ҳам ёпиб қўйди”** (Тухфатул аҳвазий).

توملا دع ب هم ارح | ل ع م رح م ل ا ن ا ي ف ره اظ ل ل ه ا و ق ا ح س ا و دم ح ا و ي ع ف ا ش ل ل ه ب ج ح ا  
ي رو ث ل ل ا و ا ط ع و س ا ب ع ن ب ا و ي ل ع و ن ا م ث ع ل و ق و ه و ه ب ي ط ت و ه س ا ر ر ت س م ر ح ي ا ذ ه ل و

يورم وهو لالجالاب عنصري ام هب عنصيهن اىلى عازوال او كلالامو ةفنيح وبأ بهذو  
ةالصلالكوملاب تلطبف تعرش ةدابع اهانال سواطو رمع نباو ةشئاع نع  
مايصل او

**“Бу масала ихтилоfli бўлиб, Имом Шофий, Имом Аҳмад ва Исҳоқ ҳамда зоҳирийлар: “Муҳрим вафотидан кейин ҳам эҳромда қолади. Шунинг учун уни бошини ёпиб, хушбўй лантириш ҳаромдир” деганлар. Бу Умон, Али, Ибн Аббос розияллоху анхулар ва Ато, Саврий раҳматуллоҳи алайҳларнинг сўзидир. Абу Ҳанифа, Молик ва Авзой раҳматуллоҳи алайҳлар эса: “Эҳромда бўлмаган кишига нима ишлар қилинса, унга ҳам ўша ишлар қилинади” деганлар. Бу Оиша, Ибн Умар розияллоху анху, Товус раҳматуллоҳи алайҳларнинг сўзидир. Чунки, ҳаж маршруъ бўлган бир ибодат эди, ўлим туфайли намоз, рўза каби бекор бўлди” (Умдатул қорий).**

### **ҲАРАМ КАБУТАРЛАРИГА ДОН СЕПИШ**

Халқ орасида ҳарам кабутарларига дон-дун сепиш жуда савобли иш деган тушунча ёйилиб кетган. Шу боис баъзи бир одамлар ҳаж сафарига кетувчиларни қўлларига пул бериб: “Унга дон-дун сотиб олиб, ҳарам кабутарларини мени номимдан тўйдиринг” дейишади. Ваҳоланки, ҳарам кабутарлари дон-дун еб ҳарам ҳудудини ифлос қилиб, ҳожиларга катта азият етказади. Бундай қилишга Саудия ҳукумати ҳам доимо қаршилиқ қилади. Шунинг учун кабутарларга дон-дун бериш савоб ўрнига гуноҳга сабаб бўлади. Бошқа бир томондан ҳарм ҳудудига кабутарларга деб дон-дун сепилса, уларга у етиб бормади. Чунки, уларни ҳарам фаррошлари тозаб юборадилар. Ҳарам ҳудудига дон-дун сепиб, у ерни ифлос қилиш Қуръони карим ҳукмига зиддир.

Аллоҳ таоло Ҳарамда ибодат ва тавоф қилувчиларга, у ерни покиза ва озода тутиш борасида қатъий ҳукм қилган.

**يَتَيَّبُ رَهْطًا وَيَشِي بِكَرْشَاتِ الْوَيْبِ لِنَاكِمَ مِيهَارِبِإِلَّ أَنْ أَوْبُ ذَاوِ  
دُوْحٍ سَلَّعَ كُرْلًا وَنِيْمًا قَوْلًا وَنِيْفِيًّا أَطْلَلِ**

**“Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сажда қилгувчилар учун поклагин” (Ҳаж 26 оят).**